

**Акциядорлик жамияти шаклидаги «Uzsalaman» Ўзбекистон-Германия кўшма
корхонаси акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши
БАЁННОМАСИ**

Йиғилиш ўтказилган жой: Фарғона ш. Б.Марғиновий кўчаси 62-уй
Ўтказилган сана: 29.09.2018 й.
Ўтказиш вақти: 10-00.
Баённома тузилган сана: 09.10.2018 й.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 58- моддасига кўра акциядорларнинг умумий йиғилишида жамият кузатув кенгашининг раиси Ишанкулов Р.М. раислик қилди.

Йиғилиш раиси томонидан йиғилиш котибини сайлаб олиш таклифи киритилди ва ушбу масала бўйича акциядорлар томонидан қўл кўтариб овоз берилди:

Йиғилиш котиби этиб жамиятнинг кадрлар бўлими бошлиғи Содиқов Қ.А. тайинлансин.

Ушбу қарор акциядорлар томонидан бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилиш раиси Ишанкулов Р.М. йиғилишни очик деб эълон қилди ва акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни етказиш учун санок комиссияси вакили С.Ахматшаевга сўз берди.

Санок комиссияси вакили С.Ахматшаев қуйидагиларни маълум қилди:

Жамиятнинг жами жойлаштирилган овоз берувчи акциялар сони 706 691 (етти юз олти минг олти юз тўқсон бир) донани ташкил қилади ва акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугатилган вақтда умумий миқдорда 525051 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 6 та акциядор ва уларнинг вакиллари рўйхатдан ўтди. Бу жами овоз берувчи акцияларнинг 74,26 фоизини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 68-моддаси ва жамият уставига асосан агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади. Шунга кўра йиғилиш кворумга эга ва кун тартибидаги барча масалалар бўйича қарор қабул қилиш ваколатига эга.

Ишанкулов Р.М. акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун ишчи орган аъзоларини сайлаш (раёсат) ва ушбу масала бўйича қўл кўтариб овоз беришни таклиф этди:

Йиғилиш раёсати таркибига қуйидаги шахслар сайлансин:

- Ишанкулов Р.М. – Жамият кузатув кенгаши раиси;
- Абдуллаев Р.А. – “Uzsalaman” АЖ ҚК бош директори;
- Тешабоев И.Ю. – “Uzsalaman” АЖ ҚК бош бухгалтери.

Йиғилиш раёсати таркиби йиғилишда қатнашаётган акциядорлар томонидан бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилиш раиси Р.М. Ишанкулов йиғилиш иштирокчиларига кун тартибини ўқиб эшиттирди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамият кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш.
2. Жамият кузатув кенгаши томонидан 2018 йилда қабул қилган қарорларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
3. Жамият томонидан тижрот банкидан кредит олиш билан боғлиқ йирик битим тузиш тўғрисида.

1. Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан йиғилиш раиси Р.М. Ишанкулов, "Ўзбекчармпойабзали" ассоциацияси талаби ва кузатув кенгашининг тавсиясига асосан бугунги умумий йиғилишда кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш масаласи кўриб чиқиладиганлигини айтиб, жамият йирик акциядорлари томонидан кузатув кенгаши таркибига қуйидаги номзодлар таклиф қилинган:

№	Ф.И.Ш.	Иш жойи	Уларга тегишли акциялар	
			сони	тури
1.	Ишанкулов Раж Мунавварович	«RIVERA IMPEKS» МЧЖ директори	0	0
2.	Маматов Шавкат Кувонович	Давлат активларини бошқариш маркази булим бошлиги	0	0
3.	Худояров Бахтиёр Ишмуминович	ХАББ «Трастбанк» Ғазначилик департаменти директори ўринбосари	0	0
4.	Хошимов Обид Тулаганович	«Республика Биржа Маркази» Унитар Корхонаси Бош директори	0	0
5.	Хасанов Махаммад Карим Муратович	РФБ «Тошкент» Бошқарув раиси ўринбосари	0	0
6.	Салахов Равшан Тургунович	"ЎЗБЕКЧАРМПОЙАБЗАЛИ" уюшмаси бошқарув раиси ўринбосари	0	0
7.	Рустамбеков Давлатбек Пулатович	«DSGS» МЧЖ Бошқарувчиси	0	0

Кумулятив овоз бериш натижалари:

т/р	Номзод Ф.И.Ш	Овоз бериш натижалари
1.	Ишанкулов Раж Мунавварович	525051
2.	Маматов Шавкат Кувонович	525051
3.	Худояров Бахтиёр Ишмуминович	525051
4.	Хошимов Обид Тулаганович	525051
5.	Хасанов Махаммад Карим Муратович	525051
6.	Салахов Равшан Тургунович	525051
7.	Рустамбеков Давлатбек Пулатович	525051

Овоз бериш натижаларига кўра қуйидаги қарор матни учун овоз бериш таклифи киритилди:

1. *Жамият кузатув кенгашига қуйидаги номзодлар тасдиқлансин:*

1. Ишанкулов Раж Мунавварович
2. Маматов Шавкат Кувонович
3. Худояров Бахтиёр Ишмуминович
4. Хошимов Обид Тулаганович
5. Хасанов Махаммад Карим Муратович
6. Салахов Равшан Тургунович
7. Рустамбеков Давлатбек Пулатович

2. Кун тартибидаги иккинчи ва учинчи масалалар юзасидан Ишанкулов Р.М. жамият кузатув кенгаши томонидан 2018 йилда қабул қилган қарорларни батафсил ўқиб эшитирди. (илова қилинади).

Маърузачи ўз сўзида давом этиб, кун тартибидаги учинчи масала юзасидан жамият бош хисобчисига берди. Бош хисобчи ўз сўзида, жамият бугунги кунда ўзининг айланма маблағларини кўпайтириши, ишлаб-чиқариш ҳажминини ошириши ва таъмирлаш ишлари учун пул маблағларига муҳтож. Шу сабабли жамият "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Фарғона бўлими билан 18 ой муддатга, йиллик 18 фоиздан юқори бўлмаган миқдорда умумий қиймати 1 000 000 000 (бир миллиард) сўм, йиллик 8 фоиздан юқори бўлмаган миқдорда умумий қиймати 130 000 (бир уттиз минг) АКШ доллари, имтиёзли 7 йил муддатга, йиллик 4 фоиздан юқори бўлмаган миқдорда умумий қиймати 2 900 000 000 (бир миллиард тўққиз юз миллион) сум ва имтиёзли 7 йил муддатга, йиллик 4 фоиздан юқори бўлмаган миқдорда

умумий қиймати 250 000 АКШ доллари (икки юз эллик минг) бўлган 4 та кредит шартномасини имзоланиш режалаштирмоқда. Кредитга олинган маблағлар ҳисобидан пойабзал ишлаб чиқариш хом-ашёсини сотиб олиш, қўшимча технология ва таъмирлаш ишларига йўналтирилади.

Кредит таъминоти сифатида Акциядорлик жамияти шаклидаги «Uzsalaman» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасига қаршли Фаргона шаҳар, Б.Марғиновий кўчаси, 62-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 4 329,83 кв.м. дан иборат 4 қаватли ишлаб чиқариш бино ва иншоотларни гаровга қўйиш таклиф қилинган ва ушбу таклиф банк томонидан қўллаб-қувватланган. Мазкур бино ва иншоотлар жамият томонидан ёлланган «НАМКOR ВАНО» МЧЖ мустақил баҳоловчи ташкилоти томонидан 2018 йил 24 август кунги ҳулосага асосан 7 038 960 900 сўм миқдорига баҳоланди. Мустақил баҳоловчи ташкилотнинг мазкур бино ва иншоотларни баҳолаш бўйича ҳулосаси йиғилиш иштирокчиларига тарқатилди.

Йиғилиш раиси кун тартибидаги иккинчи ва учинчи масалалар юзасидан акциядорлардан ўз фикр мулоҳазаларини сўраб ўтди.

“Ўзчармпойабзали” уюшмаси бошқарув раис ўринбосари Салахов Равшан Тургунович юқоридаги масалалар юзасидан фикр билдириб, жамият томонидан олинган кредитлар бўйича тузилган бизнес режаларни ҳамда жамиятнинг кредит учун қўйилган бино ва иншоотларини қайта кўриб чиқиш зарурлиги айтиб, жамият ҳукумат томонидан тасдиқланган йўл харитасига тушганлиги ва шу харитага асосан жамиятга бир қанча имтиёзлар берилганлиги ва бу имтиёزلардан сифатли ва унумли фойдаланиш кераклиги, бу бўйича ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва буни акциядорлар билан келишиб олиш ва шундан кейин банк кредитларини олиш юзасидан масалаларни акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгашида кўриб чиқиш кераклигини маълум қилди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни учун овоз бериш таклифи киритилди:

1. “Ўзчармпойабзали” уюшмаси вакилининг фикрини инобатга олган ҳолда, биринчи навбатда банк керити олиш юзасидан тузиладиган бизнес режаси ва лойиҳинининг техник асослари (ТЕО), гаровга қўйилган бино ва иншоотларининг баҳолаш ҳисоботларини қайта кўриб чиқиш ва шундан сўнг кредит олиш юзасидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши мажлиси чақириш белгилансин.
2. Бугунги умумий йиғилиш кун тартибидаги иккинчи ва учинчи масалалар кейинги умумий йиғилишда кўриб чиқиш белгилансин.

Ушбу билан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўз ишини яқунлади ва ёпиқ деб эълон қилинди.

Умумий йиғилиш баённомаси 2018 йил 09 октябр куни икки нусхада тузилди ва имзоланди.

Йиғилиш раиси

Йиғилиш котиби



Р.М. Ишанкулов

Қ.А. Содиков